



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 31 март, № 63 (5230)

Пайшанба

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Янги хонадонлар шодибонаси

АНДИЖОН. Наврўз айёми кунларида Хўжабод туманидаги Янги чек маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 30 та тураржой ҳамда Факришўқ департаментидаги 15 та замонавий уйнинг қалитлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Зарур коммуникация тармоқлари билан таъминланган ушбу мухташам ховлиларда уй тўйлари сумалак сайлларига уланиб кетди.

Таъкидлаш керакки, ҳар икки тураржой мавзесини бунёд этиш учун 3 миллиард 128 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гулистонда тўқимачилик корхонаси

СИРДАРЁ. Гулистонда «Хабиб Текс» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амириклари қўшма корхонаси иш бошлади. Инвесторлар томонидан киритилган 719 минг АҚШ долларлик сармоя ҳисобига корхона замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. 200 киши иш билан таъминланган «Хабиб Текс»да ойига 150 минг донагача тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндиликда корхона жамоаси ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришни режалаштирмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёш тадбиркорлар маркази

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши тумани машина-трактор парки давлат-акциядорлик жамияти қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўқув маркази ташкил этилди. «Асака» банкнинг виллоят филиали ҳамкорлигида иш бошлаган ушбу марказда касб-хунар коллежи битирувчилари ҳамда ёш ишбилармонлар парандачилик, чорвачилик, қўнчилик, йилқиччилик каби йўналишларда тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида билим ва малакага эга бўлмоқдалар. Марказдаги амалиёт машғулотларида фаол иштирок этган талабаларга тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун банк томонидан кредитлар ажратиш ҳам қўзда тутилмапти.

А. МУХАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дастлабки маҳсулот — буюртмачиларга

НАВОЙ. Қизилтепа туманидаги «Вангози» қишлоғида «Ишчи кийим таъминот» хусусий корхонаси ишга туширилди.

Тадбиркор Умид Нарзиев ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 75 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағидан самарали фойдаланди. Ҳозир 12 киши меҳнат қилаётган корхонада замонавий тикувчилик дастгоҳлари ёрдамида 15 хилдаги коржонма, кўлқоп каби махсус кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Утган қисқа муддатда жамоа буюртмачиларга 34 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Х. ЭШОНКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ЭЪТИРОФ

Ташаббус қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилган жойда тез қанот ёзиб, ўзининг тотли мевасини бера бошлайди. Буни истиқлол йилларида республикамиз иқтисодий тармоқларида эришилган улкан ютуқлар мисолида чуқур ҳис этиб турибмиз. Сабаби, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш борасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мулкдорлар синфи шаклланиб, улар иқтисодий таъминнинг таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи етакчи кучга айланиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоизга етгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан ортиги мазкур соҳада меҳнат қилаётгани шундан далолат беради, албатта.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилиб, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» республика кўрик-танлови, айтиш мумкинки, юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг тадбиркор

сифатида тобланишида энг муҳим тадбирга айланди. Негаки, у тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар учун наинки беллашув, балки ўзaro малака алмашиш, иш жараёнида илғор тажрибаларни қўллаш ва жаҳон бозорига чиқиш учун иқтисодий сабоқ бўлаётди. Шунинг учун танловнинг нуфузи йил сайин ошиб, иштирокчилар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ўтказилган «Ташаббус — 2011»

кўрик-танловнинг саралаш босқичларида 6400 дан зиёд ҳужайра юритувчи субъект қатнашгани бунинг ёрқин далилидир.

«Ташаббус — 2011»

Танлов ташкилотчиларининг айтишича, бу йилги бизнес-марафон бир ой давом этди. Унинг туман (шаҳар) ва виллоят босқичларида сараланиб, иштирокчилар орасидан энг яхши деб топилган 41 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд Президент соврини учун якуний босқичда беллашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройи майдонида Қорақалпоғистон Республикаси ва виллоятлардан ташриф буюрган, шунингдек, Тошкент шаҳрилик қатнашчилар маҳсулотларининг намоёиши ўзига хос кўргазма-савдо тусини олди. Икки кун давомида кўргазма майдонлари одамлар билан гавжум бўлди. Қайси бир иштирокчи учун ажратилган майдонга борманг, маҳсулот етказиб бериш бўйича буюртмалар олаётгани ёки олди-сотди бўйича келишувларга эришаётгани устидан чиқасиз. Бу — тадбиркорларнинг маҳсулотлари аллақачон харидорлар кўнглидан жой олганининг исботи эмасми?

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида ушбу соҳада юксак самарадорликка эришилмоқда.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда

Ўтган йил якунларида кўра, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 6,8 фоизга ўсгани, бу кўрсаткич ўн йил аввалгига қараганда 1,8 баробар кўпиги бунинг ёрқин дали-

Халқаро кўргазма

лидир. Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда Президентимиз фармонлари ва ҳукумати миз қарорлари ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва бундан ташқари, пахта майдонлари сезиларли даражада қисқартирилиб, бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириладиган ерлар кенгайтирилди. Бу, ўз навбатида, ихтисослаштирилган фермер хўжалиқларининг озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаши учун янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида давом этаётган қишлоқ хўжалиги технологияларининг олтинчи «Agro World — 2011» ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоклаш воситалари ва ускуналарнинг ўн биринчи «World Food — 2011» халқаро кўргазмаларининг очилиш мароси-

мида ушлар хусусида сўз юритилди. Бу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликлари, Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари, «Ўзғўштасаноат», «Ўзғўзиқ-овқат саноати» уюшмалари, «Ўзвинсаноат» ҳолдинг компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan» компанияси томонидан ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмалар юртимизда хориж мутахассисларининг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ушбу тадбирларда қатнашши истагани билдираётган мамлакатлар сафи ва тақдими этилган маҳсулотлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани шундан далолат беради. Хусусан, жорий йилги тадбирларда республикамизда фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчилардан ташқари, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Испания, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, Польша, Таиланд, Франция сингари давлатларнинг 140 дан зиёд компаниялари иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш ҳамда юксак тараққиётга эришишда муҳим омил бўлмоқда

Миллатлараро ва динлараро аҳиллик, ҳамжиҳатлик истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган миллий сиёсатимизнинг муҳим бир йўналиши сифатида демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятининг барқарор ва мўътадил ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, бугун шиддат билан кечаётган глобаллашув даврида динлараро муносабатларнинг, хусусан, ўзаро бағрикенгликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда диний ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик чинакам маънода халқимизга хос фазилатга айланди. Миллатидан, динидан, ирқидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз нури келажакимизни барпо этиш йўлида бир тану бир жон бўлиб, қўлни қўлга бериб, фидокорона меҳнат қилаётгани, янгидан-янги марраларни забт эта-

туциямизда ҳар бир шахснинг виждон ва эътиқод эркинлиги дахлсиз эканлиги белгиланган. Унга кўра, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-модда). Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», дея белгилаб қўйилган.

Таъкидландики, Конституцияда

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Иордания мамлакатимиз билан ўзаро муносабатларни фаол ривожлантираётган ана шундай давлатлардан биридир.

Хусусан, томонлар ўртасида савдо муносабатларини янада ривожлантириш, Иорданиянинг етакчи фирми ва компаниялари билан Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасидаги мулоқотларни кенгайтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТ ВА ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган ҳамда маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, мазкур стратегик ҳужжатда катта илмий, ғоявий таъсирга ва айна пайтда амалий аҳамиятга эга бўлган туб ўзгаришларни амалга ошириш дастури ва унинг назарий асослари илгари сурилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу Қонун Юрбошимиз Концепциясини ҳаётга таъбиқ этиш борасида амалга оширилаётган муҳим қадамлардан биридир.

Барчамизга маълумки, Концепцияда мамлакатни изчил тараққий эттириш ва жамиятини янгилаш учун чуқур сиёсий модернизация зарурилиги асослаб берилди. Сиёсий модернизация тушунчаси жамиятда юз берётган улусқис ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт жараёнини англатади. Яъни

туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлашнинг самарали тизимидир. Бу борада мустақиллик йилларида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилди ва энг муҳими, бундай ўзгаришлар ҳамда янгиликлар изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар айнан шу йўналишда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, давлатимиз тарихида илк бор парламентга Бош вазирлик нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Унда қайд этилганидек, Бош вазир ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан камдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини номига расман киритилган тақлиф бўйича Олий Мажлис палаталари-

Сенатда маъқулланган

ва улarga эришиш йўлида турли усул ва воситалардан фойдаланиши билан ажралиб турадилар.

Модернизация, ўз маъно-мазмунига кўра, умумбашарий жараён бўлиб, муайян белгиларга, ўзига хосликларга эгадир. Биринчи навбатда, бундай жамиятда кучли фуқаролик маданияти, аҳолининг юксак сиёсий фаоллиги кўзга аққол ташланади. Модернизациялашган жамият доимий иқтисодий ўсиш, жадал ривожланиш ва инновацион қайта ишлаб чиқаришни таъминловчи, субъектив омилларга боғлиқ бўлмаган ички механизмларга эга. Мазкур механизмлар ичида энг муҳимларидан бири, бу ҳоқимиятнинг уч тармоғи — ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳоқимиятлари ўртасида бир-бирини тийиб

(Давоми 2-бетда).

МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Микромолиялаштириш тизими ривожланиши босқичлари ва истиқболлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Хукуматимиз ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда микромолиялаш тизими ривожланишини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида уюштирилган мазкур тадбирда республикамиздаги мавжуд тадбир банклари, кредит уюшмалари, микромолиявий ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган исло-

Семинар

хотлар натижасида банк-молия тизими тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса юртимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим омил бўлаётди. Шу боис мазкур соҳадаги ислохотлар янада тақомиллаштириш ва изчиллигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эгадир. Семинарда 2009 йил учун Ўзбекистонда микромолиялаштириш

соҳаси таҳлили ва қиёсий кўрсаткичлари бўйича биринчи миллий ҳисоботнинг тақдироти бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, мазкур ҳисобот миллий микромолия ташкилотлари фаолияти тўғрисида ишончли маълумотлар танқислигини бартараф этишга хизмат қилиши кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчилари миллий ҳисобот мазмун-моҳияти, кўрсатилган микромолиявий хизматлар камрови, Марказий Осиё ва бошқа давлатларда соҳага доир кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили билан батафсил танишиш баробарида, мамлакатимизда микромолиялаштириш истиқболлари хусусида ҳам зарур маълумотларга эга бўлдилар.

Сарвар ОЧИЛОВ.

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТ ВА ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Барча ривожланган демократик давлатларнинг миллий қонунчилигида у ёки бу шаклда парламент томонидан ҳукуматга ишонсизлик вотумини билдириш механизми кўзда тутилган. Сенаторлар томонидан маъқулланган Қонун билан Конституциямизга киритилаётган тузатишларда бу борадаги энг тараққий этган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳам ўз аксини топган. Масалан, Германия, Франция, Япония, Испания ва бошқа қатор давлатларнинг конституцияларида "ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги ва парламентда ҳукуматни истеъфога чиқариш ваколати" мавжудлиги аниқ қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, айтиш жоизки, ушбу Қонун ички ислохотлар ва умумэтироф этилган демократик тамойилларнинг чуқур таҳлили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг юзлари умуминсоний тараққий тамойилларига тўлиқ мос келади.

Шу билан бир қаторда, Қонун, унда кўзда тутилган қоидалар айрим ривожланган давлатларда бу борадаги ўрнатилган меъёрлар ва тартибларга нисбатан демократик андозаларини татбиқ этиш нуктаи назаридан ижобий жиҳатларга ҳам эга. Масалан, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Польшада ҳукумат парла-

ментнинг фақат куйи палатаси олдида жавобгардир. Минтақаларнинг вакиллари бўлиш юқори палата аъзоларида эса бундай ваколат мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ўзгаришлар эса Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида мамлакат Президентини ва Олий Мажлисини олдида жавобгардир, Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, деган қоидаларга эга. Бу икки палатанинг ҳам тенг иштироки таъминлайди.

Қолаверса, қатор мамлакатларда ишонсизлик вотуми механизми сунъий, ўта мураккабликка эга. Дейлик, Германия Конституциясига биноан, ҳукуматга нисбатан ишонсизлик вотуми парламент томонидан фақатгина айни вақтда истеъфога чиқарилаётган ҳукумат ўрнини босувчи янги ҳукумат таркиби тақлиф қилинган ҳолдагина қўлланади. Тушунарлики, бундай ҳолатда ишонсизлик вотумини амалга ошириш ниятда мураккаблашади ва парламентнинг бу ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятлари тораяди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида эса Ўзбекистонда парламент томонидан Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдиришнинг аниқ, лўнда, янада демо-

кратик механизми кўзда тутилган. Унга кўра, Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Шу билан бир қаторда, Конституциясининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳокимият тармоқлари ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизимининг янада демократик принципларини йқодалаб, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини ислоҳ этишнинг янги босқичини бошлаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган Концепцияда белгилаб берилган қонунчилик ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш, аввало, мамлакатимизни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига киритиш, Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳамда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

С. САҒОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ташқи сиёсат масалалари
қўмитаси раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остида намойиш этилган энгил саноат ва тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва хўнармандчилик буюмлари ўзининг сифат кўрсаткичлари билан хорижикидан асло қолишмайди. Шунинг учун уларга ташқи бозорда ҳам талаб кучли. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Кегейли — Боян", Андижондаги "Nil — Granit", Бухородаги "Imidj — Tekstil" ва бошқа қорхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар шулар жумласидан-

ри — 3 та "Spark" автомобили кимларга насиб этаркин? Аньанага кўра, учта асосий йўналиш — "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши хўнарманди" йўналишлари бўйича бирин-кетин хайъат аъзоларининг хулосаси, яъни совриндорлар номи эълон қилина бошлади. Навбат олий мукофот соҳибларини қорлашга келди. Ва ниятда, улар саҳнага чиқдилар. "Ташаббус — 2011" республика кўрик-танловиди "Йилнинг энг яхши тадбиркори" деган юксак номга Наманган вилоятидаги "Zamin Turkiston" масъулияти чекланган жамияти

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар томонидан намойиш этилаётган қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг эҳтиёт қисмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ускуналари, экинларни турли зараркунанда ҳашаротлардан

ҳимояловчи жиҳозлар, ветеринария воситалари, минерал қўшилмалар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Халқаро кўргазмаларнинг аввалги тадбирлардан яна бир фарқи шундаки, унда Германия давлати илк марта ўзининг тақдимот маросимини ўтказмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда Германия Европа Иттифоқи ҳудудиди қишлоқ ҳўжалиги тараққий этган энг йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Яъни у чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича иккинчи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича тўртинчи ўринда тура-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ди. Айни пайтда бу ердаги қишлоқ ҳўжалиги, ўрмончилик ва балиқчиликка ихтисослаштирилган 350 мингта ҳўжаликда 1,2 миллион киши меҳнат қилмоқда. Мамлакат ер майдонларининг қарийб ярми қишлоқ ҳўжалигиди фойдаланилаётган ҳудуд бўлиб, соҳага замонавий технологияларнинг жалб этилаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш имконини бермоқда.

Германия Озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги ва истеъмолчиларни муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассислари халқаро кўргазмалар иштирокчиларига ана шу маълумотларни етказиш баробарида, уларни мамлакатдаги "Big Dutcham", "Fritch", "KHS", "Kronen", "Multivac", "Tipper Tie", "Exima", "Wachtel" каби йирик компанияларнинг фаолияти билан яқиндан таништирмоқдалар.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикаимизда 66 мингдан зиёд фермер ҳўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг аксарияти халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. Тадбирларнинг иккинчи кунини "Фермерлар кунини" сифатида белгилангани эса қишлоқ мулкдорларига ўзаро тажриба алмашиш ва шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар яратди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиики, бу борадаги ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиб икки давлат ўртасидаги импорт-экспорт операциялари ортб боришига хизмат қилади. Мазкур жараёнда эса бохўна божлари, солиқлар ҳамда бошқа тўловларнинг аниқ ҳисобланиши, шунингдек, божхона қиймати ва товарлар келиб чиқишининг тўғри белгила-нишини таъминлаш, божхонага оид қонун ҳужжатлари бузилишининг ол-

БОХўНА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

дини олиш ушбу соҳада ўзаро кўмаклашиш заруратини юзага келтиради. Шу мақсадда кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати ва Иордания Хўшимийлар Подшоҳлиги ҳўкумати ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Тадбирда иштирок этган Иордания Хўшимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Муваффақ Мўхаммад Аҳмад Абдулхўлиқ ушбу ҳужжат Ўзбекистон билан муносабатларини, шу жумладан, божхона соҳасидаги ҳамкорликни янада раванқ топтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

С. МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ЭЪТИРОФ

дир. Айтилик, "Nil — Granit" МЧЖ жамоаси 2010 йилда 418,7 минг АҚШ доллари микдориди трикотаж маҳсулотларини экспорт қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу борадаги кўрсаткич 348,7 минг АҚШ долларига етказилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай инвестициявий муҳит ҳамда яхши табиий иқлим шароити мавжуд, — дейди танлов иштирокчиси, "Кегейли — Боян" МЧЖ директори Эльбрус Аюезов. — Биз бундан оқилона фойдаланиб, тадбиркорликка қўл урдик. 2007 йилдан бунён қизилмиш доривор ўсимлигини етиштириш билан шуғулланаёмиз. Унинг илдизи Хитой, Корея Республикаси, Германия сингари давлатларга экспорт қилинаёпти. Айни пайтда хорижлик ҳамкорлар ёрдамида ўсимлик илдизини қайта ишлайдиган завод қуриш устида иш олиб бораёмиз. У фойдаланишга топширилган, четга тайёр ва яримтайёр маҳсулот чиқараёмиз.

Тадбиркор бу билан кифояланиб қолгани йўқ. 2009 йилда Австрия технологияси асосида соатига 200 килограмм гўштини қайта ишлайдиган цехни ишга туширди. Натихада 25 та янги иш жойи очилди, 30 хилдаги қолбаса маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Иштирокчилар фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, фермер ва хўнармандлар ҳам бир йўналиш билан чекланмаганига гувоҳ бўласиз: хориж инвестициясини жалб этиш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш орқали рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишган. Шу боис ҳақамлар хайъати учун фойдаларни аниқлаш осон келибгани аниқ.

...Соат 18:00. "Туркистон" санъат саройида "Ташаббус — 2011" республика кўрик-танловини гўлиблари номини эълон қилиш ва тантанали тақдирлаш маросими бошланди. Ҳамма ҳаяжонда. Барчанинг хаёлида эса бир савол: Президент совринла-

рахбари Бахтиёр Умаров лойиқ деб топилди. "Йилнинг энг яхши фермери" йўналиши бўйича голиблик Сурхондарё вилоятидаги "Боғу-бўстон" фермер ҳўжалиги раҳбари Носир Тўрақўловга насиб этган бўлса, самарқандлик уста қулло Шариф Азимов "Йилнинг энг яхши хўнарманди" деб эътироф этилди.

Тадбиркорлар учун мукофотлар ниҳда энг олийси ва кадрлиси, ҳеч шубҳасиз, бу — Президент соврини. Шундай юксак шараф мамлакатимизда фаолият юритаётган минглаб тадбиркорлар орасидан менга насиб этганидан ниятда шодман, — дейди кўрик-танлов голиблик тадбиркор Б. Умаров. — Бу мукофотни Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик йилида қўлга киритганим эса зиммаимиздаги масъулиятни янада оширади. Президентимизнинг биз, тадбиркорларга билдираётган ишончини оқлаб, иқтисодиётимизнинг тобора ривожлантириш, аҳоли турмушини янада фаровон қилиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг доимо фаол иштирокчиси бўлишга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси", "Менинг юртим — менинг фахрим", "Йилнинг энг яхши бизнес гоёси" ва бошқа қўллаб қўллашчи номинациялар бўйича голиблар ҳам аниқлаб, улар қимматбахў совғалар билан тақдирландилар.

Уч асосий номинация бўйича иккинчи ўрин голибларига махсус дипломлар, қўмуш медал ва 6 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди.

Уч асосий номинация бўйича учинчи ўринни эгаллаган катнашчиларга махсус дипломлар, бронза медали ва 4 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

мамлакатимизда тинчлик ва осийишталикни янада мустаҳкамлаш ҳамда юксак тараққийтга эришишда муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айнан мана шу конституциявий кафолатлар кундалик ҳаётимизда ўзининг муқамал ижроси ва ифодасини топаёттир. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тенг ҳўқуқлилик асосида, ҳамжихатликда яшаётгани, барча мавжуд динларга эътиқод қилувчилар учун бир хил шарт-шароитлар яратиб берилаётгани, аинқиқса, эътирофга лойиқдир.

Истиқлол йилларида жамиятимизда виждон эркинлиги ва динлараро бағрикенглик гоёлари ни ҳаётга татбиқ этишга, диний ташиқлотлар билан ҳар томонлама алоқаларни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўларок, юзлаб масжид, черков, синагога ва ибодат уйлари қурилди ҳамда таъмирланди. Тошкент шаҳридаги Ҳасни имом мажмуаси, Навоий, Қарши шаҳарларидаги жоме масжидлари, Тошкентдаги католик қостёли, буддавийлик ибодатхонаси, Самарқандда арман апостол черкови бунёд этилгани шулар жумласидандир.

БМТнинг 2010 йил 20 октябрда-

ги келаётган йил февраль ойининг илк ҳафтасини конфессиялараро уйғун муносабатлар ҳафтаси деб эълон қилиш тўғрисида қабул қилинган резолюциясига биноан, "Имом Бухорий" халқаро марказида, Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасарруфидида ўқув муассасаларида, яхшуд синагогада, православ семинарийсида ҳамда буддавийлик ибодатхонасида турли учрашувлар, семинарлар ўтказилди.

— Ортимишда турли диний эътиқодга эга бўлган халқларнинг бир Ватанда буюқ гоя ва соф ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаётгани — диний бағрикенгликнинг ёрқин намунаси, — деди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. — Ҳозирги кунда республикаимизда 2000 дан зиёд масжид фаолият юритаётган бўлиб, мусулмонларнинг диний эътиҳўлари тўла-тўқис қондирилмоқда. Умуман, дағи жамиятда диний бағрикенглик тамойиллари ҳаётда ўз талқини топса, ушар жамиятда ўзаро ҳўрмат ва самимиет қарор топиб, инсонлар тинч ва осийишта ҳаёт

кечиради. Аллоҳга беадад ҳамду санола ва шукрлар бўлсинки, биз ана шундай ўзаро ҳўрмат ва самимиет устувор бўлган, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўриладиган жамият, инсон азизлиги эъзоз ва эҳтиром қилинган жамиятда яшаёмиз. Бу бебаҳо неъмат, беназир бахтдир. Уни қадрламоқ, кўз қорачигидек асрамоқ керак.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Рус православ черкови Тошкент ва Урта Осиё Епархияси Митрополити Владимир мамлакатимизда фуқаролари ўртасидаги меҳр-оқибат, мурувват ва саховат асрлар силсиласида синоддан ўтганлигига, бугунги кунга келиб, инсоний маданиятнинг олий намунаси тарзида шаклланишига эътибор қаратди.

— Истиқлолдан олдин бутун Урта Осиёда 50 дан зиёд черковимиз мавжуд эди. Ҳозир биргина мамлакатимизда 40 дан ортиқ рус православ черкови фаолият юритмоқда. Ўз нашрларимизга, босмаконамизга эгамиз. Юртимизда мусулмон ва православ жамоялари ўртасида мустаҳкам, ишончли, дўстона ва аҳил муносабатлар чуқур илдиз

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ПЎЙДЕВОРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан давра суҳбати ўтказилди.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда педагог ходимлар иштироки масаласига бағишланган мазкур тадбирда куйи палата депутатлари, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президенти Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган

кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузасида таъкидланганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пўйдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир.

Тадбирда Концепциядан келиб чиқадиган бу борадаги энг устувор вазифалар муҳокама этилди. Жумладан, юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифати, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашга йўналтирилган кенг қўлам-

ли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди. Мазкур дастур аҳолининг инсон ҳўқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳўрмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга иттиқорлик тўйғусини янада юксалтиришни таъминлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш юзасидан бажарилган ишларга баҳо бериш баробарида, мамлакатимиз тақдирини келажақига дахлдор бўлган ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда педагоглар олдида турган вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Шундан келиб чиқиб, тадбирда Концепцияда белгиланган юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, яъни Қонунчилик палатасида тайёрланаётган янги қонун лойиҳалари ҳамда Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

З. ХУДОЙШУКUROV.

ЕТУҚ МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР

элимиз саломатлигини асрашга муносиб улуш қўйишмоқда

Пойтахтимизда Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси кенгашининг йилгилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган шифокорлар, Ассоциациянинг президиум аъзолари ҳамда тиббий элимиз тегишли институтларнинг мутахассислари иштирок этди.

Йилгилишда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хўсуан, тиббий элнинг бирламчи бугунги фаолиятини янада яхшилаш, жойларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат тизимини тақомиллаштириш,

оналар ва болалар саломатлигини асрашга қаратилган юксак эътибор бунинг аққол тасдиғидир. Табиийки, ушбу долзарб вазифаларни изчиллик билан бажаришда мутахассислар малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ассоциация аъзолари сонин 29 минг нафардан зиёдин ташкил этмоқда. Жойлардаги шифо масканларида фаолият юритаётган шифокорларнинг малакасини ошириш мақсадида ассоциациянинг қатор халқаро ташиқлотлар билан узвий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Мутахассислар ҳар йили Копенгаген, Вена, Берлин, Варшава, Осло, Лиссабон, Санкт-Петербург, Прага каби шаҳарларда бўлиб ўтаётган йирик форумлар, тиббий анжуманлари ва тажриба алмашув ой-

ликлариди иштирок этиб қайтишмоқда. Бундан ташқари, тиббий масканларда эндилик фаолият бошлаган ёшлар учун ассоциация томонидан таърибали шифокорларнинг маҳорат дарслари мунтазам равишда ташкил қилинаётти.

Бўлажак мутахассисларнинг касбга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида эса ўтган йили "Ўзбекистон Врачлар ассоциациясининг стипендияси" таъсис этилди. Ушбу стипендия учун ўтказилган танловда олий ўқув юрти талабаларидан 7 нафар голиб деб топилди, имтиёзли стипендия билан тақдирланди.

Кенгаш йилгилишда эришилган шу каби ижобий натижалар билан бир қаторда, галдаги долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз борди. Мутахассислар эса ёш шифокорларнинг малакасини юксалтиришда масофадан ўқитиш тизимини янада тақомиллаштириш, хўсуан, бу борада он-лайн имкониятларини кенг фойдаланиш, жойлардаги умумий амалиёт шифокорларининг касбий малакасини ошириш каби масалалар юзасидан тақлиф ва мулохазаларини билдирдилар.

М. ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТИББИЁТ

Матбуот анжуманида ўз фикр-мулохазаларини билдирган Рим-католик черкови Епископи Еже Машулевич, арман апостол черкови руҳоний Артак Лореян ҳам мамлакатимизда ҳўкм сураётган тинчлик ва барқарорлик, турли дин вакилларининг жамиятимиш ривожига муносиб ҳисса қўшаётганликлари, энг асосийси, осуда, тинч ҳаёт кеңраётганликларини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О. Юсупов, давлат ва жамоат ташиқлотлари ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

А. КҮТБИДДИНОВ.



Бугунги кунимизни электр энергиясиз тасаввур эта олмаимиз. Айтайлик, тунда оғир жароҳат билан "Тез ёрдам" машинасида келтирилган бемор шифохонага ётқизилганда ёки интернет тармоғи орқали иш юзасидан бирор муассасага боғланганда, муҳим маълумот факсда юборилаётган пайтда электр энергияси таъминотида узилиш юз берса, бундан ёмони йўқлигини яхши биламиз.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

туфайли энергетика салоҳияти яна 171 млн. кВт/соатга ортади. Илғор технологиялар асосида барпо этилган янги объектларда, табиийки, кўплаб иш ўринлари ҳам ташкил

райдиган қоидабузарликларнинг олдини олиш, аиниқса, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунини инобатга олиб, ўтган йил мобайнида электр ва иссиқлик энергиясини оқилона,

минг Гкал микдоридаги иссиқлик энергиясини тежаш захиралари аниқланди. Аварияга сабаб бўладиган ёки хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳаётига хаф

газеталарда 117 та мақола чоп этилди. Электр энергетикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва қоидалар талабларини истемолчиларга етказиш мақсадида 695 маротаба семинар ўтказилди. "Очиқ эшиклар кўни"да

худудий электр тармоқларига ўзбошимчилик билан улашни, 329 та истеъмолчида ҳисобга олиш асбобларисиз, 475 та истеъмолчида ҳисобга олиш схемасидаги бузилишлар билан, 1501 истеъмолчида олдиндан тўловларсиз, 3081 истеъмолчида дебиторлик қарзлари мавjud бўлишига қарамасдан, электр энергиясидан фойдаланаётганлик ҳолатлари аниқланди. Пировардида бундай истеъмолчиларга электр энергиясини узатиш тўхтатилиб, 940,4 млн. сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Хоразм томонларда

Наврўзу байрами шукуҳи кезаётган шу кунларда Урганч шаҳрида мебель ва гилам маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Маҳаллий маҳсулотлар кўргазмаси

Хоразм вилояти ташкилотлари алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида вилоятдаги ийрик саноат корхоналари билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этилди. Кўргазма якунида мебель жиҳозлари ва гилам маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан бир миллиард сўмликка яқин шартномалар имзоланди.

Фермер корхона қурди

Гурлан туманидаги "Бозор" фермер хўжалигида қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун фермер Ҳамза Раҳимов 80 миллион сўмлик банк кредити ва ўз маблағидан самарали фойдаланди. Ҳозир бу ерда ойига 10 тоннагача маҳсулотлар тайёрланмоқда. Улар сифатлилиги ва арзонлиги боис харидорларга манзур бўлмоқда.

Шуниси эътиборлики, туманда ўтган йили 6 миллиард 825 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ҳамда минтақадаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга мўлжалланган рекурс ва голяларни тақдим этади. Марказий Осиёда 800 мВт қувватига эга бўлган комбинациялашган цикли биринчи пар-газли қурилманинг қурилиши бунга мисол бўла олади. Бу корхона Ўзбекистонда энергия самардорлигини ошириш ҳамда кўшни давлатлар учун электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

"Охангарон" сув омборидаги кичик гидроэлектростанцияда эса соф экологик технологияда электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда икита агрегатнинг ишга туширилиши Ўзбекистон энергетика тизими имкониятини йилга 66,5 млн.кВт/соатга ошириш имконини берса, "Андижон-2" ГЭСининг фойдаланишга топширилиши

этилади. Айни пайтда "Андижон", "Туюмўйин", "Тупаланг" ва "Ургут" ГЭСларида сув оқимларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

"Узусуэнегро" ихтисослашган бирлашмаси маълумотига кўра, Қашқадарё вилоятидаги "Хисорак" сув омборида ҳам йилга 80,1 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган ГЭСда синов-созлаш ишлари якунига етказилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда электр энергиясидан корхоналар ва давлат ташкилотларидан тортиб, шифохоналар ва туғуруқхоналар, таълим муассасалари ва аҳоли фойдаланаётган экан, бу соҳада уч-

самарали ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш борасида инспекция ходимлари



томонидан муайян ишлар қилинди.

Хусусан, режа-жадвалга мувофиқ, 716 та хўжалик юритувчи субъектда режа-лекин шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда электр энергиясидан корхоналар ва давлат ташкилотларидан тортиб, шифохоналар ва туғуруқхоналар, таълим муассасалари ва аҳоли фойдаланаётган экан, бу соҳада уч-

соладиган қонқарсиз техник ҳолатлар учун қуввати 63 минг кВт бўлган 982 та электр қурилмаси ва 77,6 Гкал/соат иссиқлик юкла-

масига эга бўлган 34 та қурилма тармоқдан узиб қўйилди. 38 та хўжалик юритувчи субъектдаги қоидабузарлик бўйича ҳужжатлар прокуратура идораларига, 106 нафар мансабдор шахсга маъмурий жазо қўйилди. Шунини инобатга олиб, ўтган йил мобайнида электр ва иссиқлик энергиясини оқилона,

ланган ҳужжатлар эса судларга топширилди. Аҳолининг электр энергиясидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишини янада яхшилаш, қоидабузарликнинг олдини олиш мақсадида ҳам профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ўтган йили телевидение орқали 56 та кўрсатув ташкил этилиб, 54 марта радиоэшитириш уюштирилди, турли

фуқароларнинг 596 та муурожаати, "Ишонч телефони" орқали эса 276 та муурожаати қабул қилинган, шулардан тегишли равишда 255 ва 217 таси бўйича қарорлар ишлаб чиқилгани ҳам диққатга сазовордир.

Шу ўринда худудий электр тармоқлари корхоналари вакиллари билан ҳамкорликда электр энергиясидан фойдаланишда қоидабузилишларга йўл қўяётган истеъмолчиларга нисбатан тегишли қоралар қўриш учун рейдлар ўтказилганини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Чунки бундай тадбирларнинг самараси қўйилганидан зийда бўлмоқда. Хусусан, рейдлар домида 918 та истеъмолчининг 6005,3 кВт қувват билан

Дарҳақиқат, электр энергияси — бизнинг бойлигимиз. Шундай экан, ундан фойдаланишда тегишли қонун-қоидаларга риоя этиб, тежамкорликка эришиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи лозим.

Шу билан бирга, инспекция томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида энгиллик яратиш мақсадида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига асосан, "Қуввати 50 кВт.гача бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини тармоққа улашнини соддаштирилган тартиби тўғрисидаги Низом" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга келиши учун юборилди. Ушбу Низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амалиётга тақдим этилади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари учун сезиларли даражада энгиллик яратади.

Марям АҲМЕДОВА, 1

Интилиш

Бекободлик фермер Исмаилов Дадабоев қаровсиз ётган автосарой ўрнида паррандачилик фермаси ташкил этди.

ҚўРҒОНДАГИ ХАЗИНА

Бу ерда 60 минг хўжани парваришлаш мумкин бўлган бино қурилиб, зарур ускуналар ўрнатилди. Айни пайтда "Бекобод кўргони" фермер хўжалиги қошида ташкил этилган фермада 25 мингта бройлер жўжа парваришланмоқда. Бу, ўз навбатида, 20 нафар ёш иш билан таъминлаш имконини берди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Advertisement for Hyundai Sonata car. Features the text 'SONATA', 'HYUNDAI', and 'NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.' along with contact information for the official partner.

Advertisement for 'XALQ SÖZÜ' magazine. Includes the text 'XALQ SÖZÜ', 'ЭЪЛОҢЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.', and contact information for subscriptions.

